

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА
МУТАХАССИС ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ТАЪЛИМНИ БОШҚАРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ КАФЕДРАСИ

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ
ЭТИШДА ZOOM ДАСТУРИ
ИМКОНИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ
БҮЙИЧА ЙЎРИҚНОМА



Тузувчи: М.Д. Пардаева, Таълимни бошқариш
назарияси ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси


Масофавий таълимни ташкил этишда ZOOM дастуридан фойдаланиш бўйича йўриқнома

Бугунги кунда, ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг анъанавий ва ноанъанавий шаклларини қўллаш, ўқитишга замонавий ёндашувлар асосида шиддат билан ўзгариб бораётган жамият талабларига мос равишда таълим сифатини ошириш талаб этилмоқда.

Масофавий таълим муҳити замонавий ахборот, телекоммуникация ва вебтехнологиялар имкониятларига кўра ранг-баранглиги, контентнинг барча ёшдаги истеъмолчиларга мослаштирилганлиги билан ўзига жалб этади. Натижада, ўқувчиларга карантин шароитида мустақил таълим олишга кўмаклашиш, электрон таълим ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларга янгиликларни тезкор равишда етказиш имконини бериши жараён иштирокчиларида қизиқиши кучайтиради. Фойдаланишнинг осон ва оддийлиги, ёшидан қатъи назар замонавий интернет ва ахборот технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиб барча таълим иштирокчиларига масофадан ёрдам бериш имконини таъминлайди.

Бу йўриқномада бераётган тавсиялар мазкур дастурдан илк бор фойдаланишни бошлаётганлар учун тайёрланди.

1. Браузернинг манзиллар сатрига zoom.us ни киритинг ва пайдо бўлган ойна(1-расмга қаранг)дан мазкур дастур имкониятлари тўғрисида маълумот олинг, дастурни ўз телефон ёки компьютерингизга юклаб олиб, ўрнатинг.




1-расм: zoom дастурининг бош диалог ойнаси

2. Шунингдек, мазкур ойнада дастурнинг имкониятларини очиб берувчи “Решения”, “Войти в конференцию”, “Организовать конференцию”, “Войти в систему” номли вкладкалар мавжуд (2-расмга қаранг). Вкладкаларда тақдим этилган имкониятлар рўйхатидан имкониятни танлаб унинг устига курсор билан босилса, кенгроқ маълумотлар тақдим этилади.

The screenshot shows the Zoom Solutions page. At the top, there are navigation links: РЕШЕНИЯ +, ВОЙТИ В КОНФЕРЕНЦИЮ, ОРГАНИЗОВАТЬ КОНФЕРЕНЦИЮ +, ВОЙТИ В СИСТЕМУ, and ЗАРЕГИСТРИРУЙТЕСЬ БЕСПЛАТНО. Below this, there are two main sections: ПРОДУКТЫ and ОБЛАСТИ ПРИМЕНЕНИЯ. The ПРОДУКТЫ section lists: Конференции и чаты (Video высокой четкости, аудиоконференции, взаимодействие и общение); Комнаты и рабочие пространства (Повысьте эффективность конференций с помощью видео); Система телефонии (Облачная система телефонии предприятия); Видеовебинары (Полный набор функций, простота использования, увлекательные вебинары); and Магазин приложений (Интеграция и боты для Zoom). The ОБЛАСТИ ПРИМЕНЕНИЯ section lists: Образование (Расширьте возможности обычных аудиторий за счет использования облачных технологий); Финансовая отрасль (Удобство работы и общения для ваших клиентов); Органы власти (Повышение эффективности и вовлеченности всех агентств); and Здравоохранение (Технологии и процессы телемедицины, отвечающие требованиям HIPAA). To the right, there is a ZOOM BLOG section with the text "Get the latest insights and updates" and a "Read our blog" link. Below the blog is a small image of a smartphone displaying a video call and a red coffee cup. At the bottom, there is a search bar with the placeholder "Введите ваш рабочий адрес электронной почты" and an orange "Бесплатная регистрация" button. A note below the search bar says "Ознакомьтесь с нашей Политикой конфиденциальности." There is also a small "Feedback" icon in the bottom right corner.


2-расм: zoom дастури “Решения” вкладкасига киритилган имкониятлар рўйхати

3. Матн кўринишидаги маълумотларни ўқишдан кўра видеороликлардан маълумот олишни афзал деб билсангиз, у ҳолда бош ойнанинг пастки қисмида видеоролик кўринишида қўшимча маълумотлар берилган (3-расмга қаранг).



3-расм: zoom дастури имкониятлари тўғрисида маълумотлар

Масалан, видео конференцияни ўтказиш тартиби тўғрисидаги маълумотни “Система проведения конференций” номли видеороликни томоша қилиш орқали олиш мумкин (гарчи, видеоролик инглиз тилида бўлсада, интернетда унинг русча ва ўзбекча вариантларини топиш мушкул эмас.




4-расм: zoom дастури имкониятлари тўғрисида видеоролик

4. Агар мазкур дастурдан фойдаланиш имкониятлари түғрисида тасаввур пайдо бўлган бўлса, у ҳолда қуидаги алгоритмни бажаринг:


1-қадам: Дастранинг бош ойнасида “Бесплатная регистрация” қаторига ўз электрон почта манзилингизни киритиб курсор ёрдамида шу номдаги тугма устига босинг.

2-қадам: Пайдо бўлган диалог ойнасидаги шаклларни тўлдиринг ва “Продолжить” тугмасини босинг (5-расмга қаранг).




5-расм: zoom дастурида рўйхатдан ўтиш босқичи

3-қадам: навбатдаги пайдо бўлган диалог ойнада электрон почтангиз ҳақидаги маълумотни тасдиқлашингиз сўралади ва “Подтвердить” тугмасини босиб буни амалга оширинг (6-расмга қаранг).




6-расм: zoom дастурида рўйхатдан ўтиш босқичи

4-қадам: Дастан сизнинг робот эмаслигингизни турли расмларни мантиқан тўғри танлашингиз орқали синаб кўради ва сизнинг электрон почтангизга zoomдан фойдаланиб дастаннинг фойдаланувчиси сифатида фаолиятингизни бошлаш учун ссылкани жўнатганини хабар қиласди (7-расмга қаранг).




7-расм: zoom дастурида рўйхатдан ўтиш босқичи

5-қадам: “Войти в систему” тугмасини босиб навбатдаги қадамга ўтинг.



8-расм: электрон почтангиз орқали zoom тизимга кириш

6-қадам: Ўз электрон почта ва паролингизни киритинг (9-расмга қаранг).



9-расм: электрон почтангиз орқали zoom тизимга кириш

7-қадам: Компьютер/телефонга ўрнатиб, рўйхатдан ўтган zoomга кириб, ўз аккаунtingиз орқали янги конференцияларни режалаштириш, ўтаётганларида иштирок этиш ёки ўз шахсий конференцияларингизни режалаштиришингиз мумкин (10-расмга қаранг).

